2010 йил 11 март, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 47 (11.608) Баҳоси эркин нархда

# БАРКАМОЛ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

**Президент Ислом Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2009 йилдаги фаолиятини атрофлича таҳлил этиш ва галдаги вазифаларни белгилаб олиш лозимлигини таъкидлади.

Баркамол авлод орзуси — энг буюк орзу. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг орзуси бу. Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мустақиллик йилларида эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Узлуксиз таълимнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ва бугун ўз самарасини бераётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Баркамол авлод деганда аввало соғлом наслни тушунамиз. Шу боис ўтган йиллар мобайнида ёшларимизда нафақат юксак интеллектуал салоҳият, мустақил фикр, кенг дунёқарашни шакллантиришга, балки уларни жисмонан чиниқтиришга, оммавий спортни ривожлантиришга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ислом Каримов аввало ушбу жамғарманинг мазмун-моҳиятига тўхталиб, дунёнинг ҳеч бир мамлакатида бундай ташкилот йўқлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўта ноёб тузилма бўлиб, айни пайтда қатор мамлакатлар уни қимматли тажриба сифатида ўрганмоқда.

Мажлисда спорт иншоотлари барпо этиш, мактабларда спорт заллари қуриш, уларни таъмирлаш, жиҳозлаш билан боғлиқ ишлар изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, Президент Ислом Каримов болалар спортини ривожлантиришнинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратди.

— Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

Ҳомийлик кенгашининг 2009 йил 16 январда бўлиб ўтган йиғилишида юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичларини баҳолайдиган ягона тизим яратиш, спорт анжомлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сонини кўпайтириш, мактаб спорт залларини жиҳозлаш нормативларини қайтадан кўриб чиқиш, спорт иншоотларини жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш, қизларни спортга кенг жалб этишда миллий менталитетимизнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш вазифалари белгиланган эди.

Йиғилишда ушбу вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил қилинди.

— Юртимизда 2010 йилни Баркамол авлод йили деб эълон қилар эканмиз, фарзандларимизнинг замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, — деди Президент. — Амалга ошираётган барча ишларимиз асосида ана шу мақсад-муддао мужассам. Спорт иншоотлари фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, уларни соғлом ўстиришга хизмат қилмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур дастур ва унда белгиланган вазифалар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Муҳим жиҳати шундаки, ёш авлодда спортга иштиёқ орта боргани сари юксак марраларга интилиш ҳам кучаяди. Мусобақадан ғалаба билан қайтган спортчини кўрган ҳар бир ўғил-қиз у билан фахрланади, унга ҳаваси келади ва айни пайтда шундай муваффақиятга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

— Спорт ёшларни турли иллатлардан қайтарадиган, ҳал қилувчи аҳамиятга молик энг яхши воситалардан биридир, — деди Ислом Каримов. — Спорт билан шуғулланган йигит-қизларнинг саломатлиги яхши, фикри тиниқ бўлади, улар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам беради.

Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрда қабул қилинган «2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2008-2009 йилда қуриб битказилган спорт иншоотлари ва мактаб спорт заллари учун зарур спорт жиҳозлари рўйхати ишлаб чиқилди. Барча спорт иншоотлари зарур спорт анжомлари билан жиҳозланди. 2009 йилда қуриб битказилган спорт иншоотларининг 174 тасини мактаб спорт заллари ташкил этади. Умуман эса, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгандан кейин ўтган даврда, яъни 2003-2009 йиллар мобайнида 674 мактабда спорт зали барпо этилди. Бу даврда 178 та алоҳида болалар спорти иншооти қуриб, фойдаланишга топширилди.

— Мамлакатимизда спорт иншоотлари қуриш бўйича катта тажриба тўпланди, — деди Президент. — Ҳаётнинг ўзи амалга оширган ишларимиз натижасини кўрсатиб турибди. Аммо ана шу иншоотлардан қай даражада самарали фойдаланяпмиз? Бу масалалар доимий эътиборимизда бўлмоғи лозим.

Дарҳақиқат, 2003-2009 йилларда мамлакатимизда 1123 та спорт мажмуаси бунёд этилган бўлса, уларнинг 922 таси қишлоқ жойларда қад ростлади. Ушбу иншоотларни замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари шу хусусда сўз юритар экан, спорт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бундан беш йил илгари маҳаллий корхоналаримизда болалар спорт иншоотлари учун зарур 120 хил анжомнинг 73 тури тайёрланган бўлса, бугунга келиб 113 хилдаги спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий корхоналаримизда болалар учун сифатли спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди.

Мамлакатимизда футзал, бадиий гимнастика, каноэ ва байдаркада эшкак эшиш, бокс, эркин ва юнон-рум кураши сингари спорт турлари изчил ривожланмоқда. 2003 йилда болалар секция ва клубларда спортнинг 8 тури билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт мажмуаларининг жиҳозланиш даражаси спортнинг йигирмадан зиёд тури билан мунтазам шуғулланиш имконини бермоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва муҳим бўлаги ҳисобланган уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ ғурури учун курашадиган фидойи спортчиларни тарбиялашда мактаб вазифасини ўтамоқда.

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган шиор негизида ҳам спорт, жумладан, болалар спорти тушунчаси мужассам эканини таъкидлади.

— Албатта, табиий бойликлар, иқтисодий салоҳият, давлат ва жамият қурилиши йўлидаги ютуқлар буюк келажакнинг асоси ҳисобланади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Шу билан бирга, буюк келажакнинг бир омили борки — бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир.

2009 йилнинг сентябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XV жаҳон чемпионатида — 133 давлатдан 554 нафар боксчи иштирок этган муросасиз мусобақаларда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Машҳур боксчимиз Аббос Атоев иккинчи бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Мисрда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этгани, эркин ва юнон-рум кураши бўйича Данияда ўтган жаҳон чемпионатидан вакилларимиз бир олтин, бир кумуш ва бир биронза медаль билан қайтгани, каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича Теҳронда ўтган Осиё чемпионатида юртдошларимиз 9 олтин, 10 кумуш, 8 бронза медални қўлга киритгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Таҳлиллар ва эришилган натижалар шуни кўрсатадики, ёшларимиз орасида футбол, мини-футбол, теннис, сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, шахмат, бадиий гимнастика, кураш, белбоғли кураш, юнон-рум кураши, бокс, акробатика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда.

— Ўтган йиллар мобайнида «Соғлом она — соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди, — деди давлатимиз раҳбари. — Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этганимиз, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратаётганимиз ва бу борадаги ишларни изчил давом эттираётганимиз замирида бир мақсад – соғлом авлодни тарбиялаш мақсади мужассам. Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак, демакдир.

Президентимиз қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этишини таъкидлади. Шу маънода, кейинги йилларда спортнинг нафис тури ҳисобланган бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда.

Жорий йил февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва гимнастикачи қизларимиз эришган юксак натижалар бу спорт турига эътибор ва қизиқиш мамлакатимизда муттасил ошаётганидан далолатдир.

Юртбошимиз болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласи алоҳида эътибор қаратишни тақозо этишини таъкидлади.

Йиғилишда Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, 2010 йилда 11 янги спорт иншооти ва 14 болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилади, 40 мактабда спорт зали қурилади.

Президент Ислом Каримов жорий йилда мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш мақсадлари учун 36 миллиард сўм ажратилишини алоҳида таъкидлаб, давлат томонидан ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор туфайли болалар спорти ва санъат комплекс тарзда ривожланиб бораётганини қайд этди.

— Спорт билан мусиқа чамбарчас боғлиқдир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Спорт танани пишитади, чиниқтиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Спорт — бу маданият демакдир. Спортчи мусиқани яхши билса, мусиқачи спорт билан шуғулланса, нақадар яхши.

Кўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Орипов, Б.Хўжаев, шунингдек, айрим вилоятлар ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти совриниучун ўтказилаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг Қашқадарё шаҳри ва туман босқичида 400 дан ортиқ тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар иштирок этди.**

• **Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Хитой савдо уйининг тақдимот маросимида вилоятнинг барча туманларидан ташриф буюрган 170 дан ортиқ кичик ва хусусий бизнес вакиллари қатнашди.**

• **«Маҳалла» жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида Баркамол авлод йили муносабати билан «Баркамол авлод — келажак пойдевори» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Тадбирда маҳаллаларда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳияти тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.**

• **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Фаол аёллар» қаноти қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда таниқли шоира Зулфия ҳаёти ва ижодига бағишланган «Зулфия орзу этган жойларда» деб номланган маърифий тадбирлар ўтказди.**

• **Булунғур туманида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда тумандаги 200 та корхона ва ташкилот 335 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Меҳнат ярмаркасида 300 га яқин ёшлар ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланди, 12 нафар ёш касбга йўналтирилди.**

• **Самарқанд тиббиёт институтида ёш олимларнинг «Баркамол авлод йили»га бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда 400 дан ортиқ аспирантлар, клиник ординаторлар, шунингдек, тиббиёт коллежлари ва лицейларнинг ёш педагоглари иштирок этди.**

• **Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Бухоро шаҳридаги «Бухоро-Баҳор» қўшма корхонасида кир ювиш воситаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан 25 та қўшимча иш ўрни яратилди.**

• **Навоий шаҳридаги «Navoiy Metal Mash» масъулияти чекланган жамиятида янги замонавий дастгоҳларнинг ишга туширилиши ҳисобига ойига 35 миллион сўмлик темир эшик, дарвоза, панжара ҳамда темир шкаф каби 30 турдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона фаолиятининг кенгайиши ҳисобига қўшимча 20 та янги иш ўрни яратилди.**

• **Когон шаҳар Бандликка кўмаклашувчи маркази шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этди. Ушбу тадбирда 64 та корхона ва ташкилот ўзидаги 250 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмарка якунида 105 нафар киши ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди.**

### ЖАҲОНДА

• **Ироқда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Бу 2003 йили Саддам Ҳусайн ҳокимияти ағдарилгандан кейин ўтказилган иккинчи парламент сайловидир. Сайлов комиссиясидан олинган маълумотларга қараганда, миллий парламентнинг 275 та ўрни учун 300 тадан ортиқ партия ва сиёсий гуруҳлардан 6172 нафар номзод кураш олиб борди.**

• **Сербиянинг Косово ўлкаси Бутунжаҳон банкидан 20 миллион долларлик дастлабки иккита заём олди.**

• **Сомалида ҳукумат қўшинлари ва исёнчилар ўртасида юз берган тўқнашувлар натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 20 дан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

• **Россиянинг АвтоВАЗ компаниясининг директорлар кенгаши 2020 йилгача бўлган бизнес-режани маъқуллади.**

• **Япония ҳукумат комиссияси Токио ва Вашингтон ўртасида 1966 йили ядро қуроли тўғрисида имзоланган махфий шартнома мавжудлигини расман тасдиқлади. Ушбу шартномага кўра ядро қуроли бўлган Америка кемаларига Япония портларига киришга рухсат берилган. Бу эса Япониянинг ядро қуролидан холи мамлакат сифатидаги мақомини бузадиган ҳолатдир.**

• **Литва «Дружба» нефть ўтказгичи орқали Россиядан нефтни қабул қилишга тайёрлигини билдирди.**

• **Омскда кишиларга фирибгарлик йўли билан 4 миллион рубллик зарар етказган «қора риелтерлар» гуруҳи аъзолари узоқ муддатли қамоқ жазоларига ҳукм этилди.**

